

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2022 йил июль ойининг 8 куни жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи судья Ш.Шарипов, судья ёрдамчиси Д.Амированинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Пайариқ туман прокурори катта ёрдамчиси С.Қурбонов, жабрланувчи Ш.Усманова ва У.Рахмановалар, судланувчи Ш.Рамозонов ва унинг ҳимоячиси “Кадиров Олим Шарифович” адвокатлик бюросининг адвокати О.Кадировнинг иштирокида Рамозонов Шоҳзод Асроровичга нисбатан 1-1410-2201/59-сонли жиноят иши кўрилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Рамозонов Шоҳзод Асрорович (Amozonov Shohzod Asrorovich), 1998 йил 24 декабрь Самарқанд вилояти, Пахтачи туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-маҳсус, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Пахтачи тумани, “Тадбиркор” МФЙда яшайди, мазкур иш бўйича “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни:

А Н И Қ Л А Д И:

Рамозонов Шоҳзод Асрорович Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Пахтачи туман филиалида кадастр муҳандис (техник) лавозимида ишлаган даврида, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қулга киритиш мақсадида **биринчи мартаба** 2019 йил 10 апрель куни соат 15:00 ларда Пахтачи туман Боғолон МФЙга қарашли Янгиобод кўчаси 18-уйда яшовчи Рахманова Угил Иштуттаровнани уйига бориб, унга уйининг кадастр ҳужжатларини ўзи тайёрлаб беришлигини, ҳужжатларлар учун давлат божи борлигини билдириб, ундан 400.000 сўм, **иккинчи мартаба** 2019 йил 20 апрель куни соат 11:00 ларда туманнинг Боғолон МФЙга қарашли Янгиобод кўчасида 600.000 сўм, **учинчи мартаба** 2019 йил 23 апрель куни соат 15:30 ларда Боғолон МФЙ биносини олдига 500.000 сўм, **тўртинчи мартаба** 2019 йил



06 май куни соат 14:00 ларда Боғолон МФЙга қарашли Янгиобод кўчасида 500.000 сўм, **бешинчи маротаба** 2019 йил 18 май куни соат 16:00 ларда Боғолон МФЙга қарашли Янгиобод кўчаси 18-уйда 500.000 сўм, жами 2.500.000 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, Рамозонов Шоҳзод Асрорович Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Пахтачи туман филиалида кадастр муҳандис (техник) лавозимида ишлаган даврида, такроран жиноий йўл билан бойлик орттиришни кўзлаб, хизмат мавқеидан фойдаланиб алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида 2020 йил 20 май куни соат 16:00 ларда Пахтачи туман Тадбиркор МФЙга қарашли Наврўз кўчаси 13-уйда яшовчи Усманова Шоҳсанам Юсуповнани уйига бориб, унга уйининг кадастр хужжатларини ўзи тайёрлаб беришлигини, хужжатларлар учун давлат божи борлигини билдириб, ундан 2.000.000 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, Рамозонов Шоҳзод Асрорович 2020 йил март ойида содир қилган жинояти юзасидан туман ИИБ хузуридаги ТБда мавжуд бўлган 182302/2021-27-сонли жиноят ишини олиб бориш давомида, такроран 2020 йил 10 июнь куни соат 13:00 ларда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Пахтачи туман филиалида, бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган расмий хужжат ҳисобланган туман ҳокимининг 2020 йил 5 июль кунги ерга эгалик қилишлик учун чиқарилган №2421-сонли қарорини Усманова Шоҳсанам Юсуповнанинг номига ўзгартириб, қарорни қалбакилаштирганлиги аниқланган.

Шунингдек, Рамозонов Шоҳзод Асрорович ўзи томонидан 2020 йил 10 июнь куни соат 13:00 ларда қалбакилаштирилган туман ҳокимининг 2020 йил 5 июль кунги №2421-сонли қарорини қалбаки эканлигини била туриб, 2021 йил 15 август куни соат 18:30 ларда мазкур қарордан фойдаланиб, уйига келган Усманова Шоҳсанам Юсуповнага бу қарор уй-жойингиз учун эгалик ҳуқуқини беради деб, қарорни унга бериб юборганлиги аниқланган.

Судланувчи Рамозонов Шоҳзод Асрорович суд мажлисида айбига иқрорлик ва қилмишидан пушаймонлик билдириб, у 2017 йил август ойида Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Пахтачи туман филиалига кадастр муҳандиси (техник) вазифасига ишга кирганлиги, ишлаши давомида яъни 2019 йил 9 апрель куни уни қўл телефонида, Рахманова Угил Иштухтаровна телефон қилиб, уйини кадастр қилдирмоқчилигини айтганлиги, у уни уйини қаердалигини сўраганида, Угил опа унга Пахтачи туман Боғолон МФЙга қарашли Янгиобод кўчаси 18-уйда туришлигини билдирганлиги, у эса унинг олдида эртангиси куни бошлигини айтганлиги, 2019 йил 10 апрель куни соат 15:00 ларда Угил опани уйига бориб у билан учрашганлиги, шунда Угил опа уйни қизини номига кадастр қилдирмоқчилигини айтганлиги, у Угил опага кадастр



ҳужжатларини қилиб беришини ҳамда кадастрда ишлашлигини айтиб, унинг уй-жойини ўлчаганлиги, сўнг Угил опага ҳужжатларни тайёрлаш учун давлатга тўловлари борлигини айтганлиги, Раҳманова Угил опа эса сўзларига рози бўлиб, давлатга қанча тўлов қилишлигини айтганида, у унга бошига 400.000 сўм тўлов қилиши кераклигини айтганлиги, у унга уйдан 400.000 сўм пулларни чиқариб берганлиги, у ундан пулларни олганидан сўнг ортига қайтганлиги, ундан олган пулларни давлатга яъни кассага тўлов қилмасдан ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги, сўнг 2019 йил 20 апрель куни соат 11:00 ларда Угил опани кўчасига бориб, у опага қўнғироқ қилиб, Угил опага “Самарқандга кетяпман у ердан ҳам ҳужжатларни тайёрлаш керак, унинг ҳам тўловлари бор” деб гапирганлиги, Угил опа унга қанча тўлови бор деганида, у унга “600.000 сўм пул олиб чиқинг, кўчангизда юрибман” деб айтганлиги, шу куни соат 11:30 ларда Угил опа кўчасида унга 600.000 сўм пулларни бериб юборганлиги, бу пулларни ҳам давлатга тўлов қилмасдан ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборганлиги, 2019 йил 23 апрель куни Боғолон МФЙ биносини олдига бориб Угил опага қўнғироқ қилиб, опага 500.000 сўм пул пулларни олиб келишини, пулларни ҳужжатларга тўлов қилиши учун ишлатишлигини айтганлиги, сўнгра Угил опа соат 15:30 ларда маҳалла биносини олдига келиб унга 500.000 сўм пулларни бериб юборганлиги, 2019 йил 06 май куни Угил опани кўчасига бориб, опага қўнғироқ қилиб яна Самарқанд шаҳрига кетаётганлигини, ҳужжатлар учун тўловлар кераклигини, бунга 500.000 сўм пул кераклигини айтганлиги, Угил опа ундан ҳужжатлари қачон тайёр бўлишлигини сўраганида, у Угил опага уйини ҳужжатлари тайёр бўлишига оз қолганлигини айтганлиги, Угил опа сўзларига яна ишониб соат 14:00 ларда у билан учрашиб, кўчасида 500.000 сўм пулларини бериб юборганлиги, 2019 йил 18 май куни соат 16:00 ларда Угил опани уйига бориб, унга “хола уйингизни ҳужжатларини 2 кун ичида тайёрлаб келиб бераман, бунинг учун яна 500.000 сўм тўлови қолди, шу пулни тўланг, бу тўлов охиргиси, шундан сўнг ҳужжатларингиз тайёр бўлади” деб гапирганлиги, шундан сўнг Угил опа уни сўзларига ишониб уйдан 500.000 сўм пулларни чиқариб унга бериб юборганлиги, бу пулларни барчасини у ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги, аммо Угил опани уйини кадастр ҳужжатларини тайёрлаб бермаганлиги, бундан ташқари, 2020 йил май ойини охирларида кўчада маҳалладоши Усманова Шоҳсанам Юсуповнани учратиб қолганлиги, шу вақти Шоҳсанам опа ундан уй-жойини кадастр қилиш бўйича маслаҳат сўраганлиги, шунда у маҳалласи унинг хизмат ҳудудига киришлигини ва кадастр ҳужжатларини ўзи расмийлаштириб беришини айтганлиги, шундан сўнг 2022 йил 20 май куни соат 16:00 ларда Шоҳсанам опани уйига бориб, у билан учрашганлиги, сўнгра Шоҳсанам опани уй-жойини унинг турмуш ўртоғи билан бирга ўлчашганлиги ва Шоҳсанам опага кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда давлатга ҳужжатлар учун давлатга тўлов қилиш лозимлигини айтганлиги, Шоҳсанам опа унга



давлатга тўлов қанча бўлишлигини сўраганида, у Шоҳсанам опага тўловлар 2.000.000 сўм бўлишлигини билдирганлиги, ундан сўнг Шоҳсанам опа сўзларига ишониб хонасидан унга 2.000.000 сўм пулларини олиб чиқиб берганлиги, у ундан пулларни олганидан сўнг ортига қайтиб кетганлиги, пулни давлатга тўлов қилмасдан ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги, аммо Шоҳсанам опани уйини чизмаларини тайёрлаганлиги, лекин-да базага киритишга вақти бўлмаганлиги, 2020 йил 10 июнь куни соат 13:00 ларда ишхонасида туман ҳокимининг 2020 йил 05 июль кунги №2421-сонли қарорини олиб, мазкур қарорни ишхонадаги компьютерда сканер қилиб компьютерга ташлаб олганлиги, ушбу қарорда ерни эгалик ҳуқуқини ҳозирда Ф.И.Ш. ёдида бўлмаган шахсга берилганлиги, у шахсни Ф.И.Ш.ни ўрнига Усманова Шоҳсанам Юсуповнани қўйиб чиқиб қарорни қалбакилаштирганлиги, ундан сўнг ушбу қарорни рангли принтерда 1-нуска чиқариб олиб қўйганлиги, қалбаки қарорни эса компьютердан ўчириб ташлаганлиги, 2020 йил 27 июль куни у ишдан бўшаганлиги сўнгра Шоҳсанам опани ҳужжатларни ва қалбаки қарорни уйига олиб кетганлиги, у ишдан бўшаганидан сўнг Шоҳсанам опани уй-жойини кадастр ҳужжатларини тайёрлаб бера олмаганлиги, Шоҳсанам опа уни уйига келавергач, опага 2021 йил июль ойида чала тайёрланган базага кирмаган Шоҳсанам опани уй-жойини чала чизмаларини бериб юборганлиги, Шоҳсанам опа бир неча кундан сўнг у билан учрашиб, унга ҳужжатлар чала эканлигини, буни унга Баитов Акмал айтганлигини билдирганлиги, у Шоҳсанам опага “ҳужжатларни бошқатдан тайёрлаб бераман” деб айтганлиги, сўнгра Акмал акани олдига бориб ундан Шоҳсанам опа берган ҳужжатларни сўраганлиги, Акмал ака Шоҳсанам опага кўнғироқ қилиб чала ҳолдаги ҳужжатларни унга бериб юборганлиги, у ҳужжатларни олиб уйига кетганлиги ва ҳужжатлар чала бўлганлиги сабабли, ҳужжатларни ёқиб юборганлиги, 2021 йил 15 август куни соат 18:30 ларда Шоҳсанам опа уни уйига яна пулларини сўраб келганлиги, шунда у уйдан Шоҳсанам опага ишхонасида 2020 йил 10 июнь куни қалбакилаштирган туман ҳокимининг 2020 йил 05 июль кунги №2421-сонли қарорини олиб чиқиб бериб Шоҳсанам опага “бу ерингиз учун эгалик ҳуқуқини берувчи қарор, асосийси шу, қолганини бошқа сафар тайёрлаб бераман” деб, Шоҳсанам опани алдаб ортига қайтариб юборганлиги, ҳозирги вақтда у Шоҳсанам опага ундан алдаб олган пуллари яъни 2.000.000 сўмга ҳисоблаб 1-дона қўл телефонини ва 1-дона велосипедини берганлиги, Угил опага ҳам пулларни берганлиги ва унга яна 900.000 сўм пул бериши кераклилиги, у Угил опа ҳамда Шоҳсанам опалардан олган пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги, ҳозирда Шоҳсанам опадан 2.000.000 сўм Угил опадан эса 900.000 сўм қарзи қолганлиги, ушбу пулларни тўлай олмаётганлиги, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.



Судланувчи Рамозов Шохзод Асроровичнинг айби ўзининг суд мажлисида айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчилар суд мажлисида берган кўрсатувлари ҳамда ишда мавжуд бошқа далиллар билан, яъни;

- жабрланувчи Усманова Шоҳсанам Юсуповнанинг суд мажлисидаги, у, Усманова Шоҳсанам Юсуповна руҳий асаб ва наркологик диспансерлари рўйхатида турмаслиги ва бу каби касалликлар билан муқаддам оғримаганлиги, у Рамозов Шохзод Асроровични ёшлигидан буён билишлиги, чунки улар битта маҳаллада яшаб келишлиги, у Пахтачи туман кадастр бўлимида ишлаб келишини эшитганлиги, 2020 йил май ойини охирларида кўчада маҳалладоши Ш.Рамозовни учратиб қолиб, ундан уй-жойини кадастр қилиш бўйича маслаҳат сўраганлиги, шунда у унга улар яшайдиган маҳалла унинг хизмат ҳудуди эканлигини ва кадастр ҳужжатларини ўзи расмийлаштириб беришини айтганлиги, шундан сўнг орадан 2-3 кун ўтганидан сўнг яшаш уйларига кундузи маҳалладоши Ш.Рамозов бир ўлчагич асбоб кўтариб келганлиги ва уй-жойларини ўлчаб, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб беришини айтганлиги, кейин турмуш ўртоғи Гадаев Сирож иккаласи уй-жойларини ўлчаганлиги ва бир қоғозга ёзиб олганлиги, ўлчаб бўлгандан кейин Ш.Рамозов унга кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш 2.000.000 сўм бўлишини, ушбу пулларни берса ўзи барча ҳужжатларни расмийлаштириб беришини айтганлиги, кейин у уйдан 100.000 сўмлик купюрада жами 2.000.000 сўм пулларни олиб чиқиб, Ш.Рамозовга берганлиги ва у пулларни санаб чўнтагига солганлиги, шунда у унга ушбу тўловлар учун квитанцияларини олиб келиб беришини айтганлиги ва у унга барча кадастр ҳужжатларини тайёрлаб, ҳужжатлар ва квитанцияларни олиб келиб беришини айтганлиги, шундан сўнг маҳалладоши Ш.Рамозов қайтиб келмаганлиги ва телефонини ҳам кўтармай қўйганлиги, у уни орқасидан излаб бир неча маротаба уйига борганлиги, лекин уйидагилари уни йўқлигини айтишганлиги, бир неча маротаба уни кўчада кўриб қолиб, кадастр ҳужжатларини ва тўлов квитанцияларини олиб келиб беришини сўраганида у унга “эрта-индин олиб келаман” деб уни алдаб юраверганлиги, шундан кейин у қистайверганидан сўнг 2021 йилнинг тахминан июль ойларида унга кадастр ҳужжатлари йиғма жилдини олиб келиб берганлиги, лекин ҳеч қандай тўлов квитанцияси бермаганлиги, сўнг у Ш.Рамозов унга берган ҳужжатларни олиб туман кадастр бўлимига келиб, у ерда ишловчи Баитов Акмалга кўрсатганлиги, шунда А.Баитов ҳужжатларни кўриб чиқиб, ушбу ҳужжатлар нотўғри эканлигини, ҳеч қандай ҳуқуқий аҳамиятга эга эмаслигини айтганлиги ва у ушбу ҳужжатларни А.Баитовда қолдириб кетганлиги, сўнг маҳалладоши Ш.Рамозовни учратиб, унга олиб келган кадастр ҳужжатлари нотўғри эканлигини айтганида, Ш.Рамозов унга ҳужжатларни бошқатдан тайёрлаб беришлигини айтиб кетганлиги, бу орада у одамлардан Ш.Рамозов ишдан анча олдин бўшаб кетганлигини эшитганлиги, орадан



бир қанча вақт ўтганидан сўнг Ш.Рамозонов унга қўнғироқ қилиб у унга берган ҳужжатларни А.Баитов унга бермаётганлигини айтганлиги, у унга “сен ишдан бўшаган экансан, ҳужжатларни қандай тайёрлаб берасан” деганида, у унга “олдинги ишлаган танишларимга айтаман уйингизни ҳужжатларини тайёрлаб беришади” деб гапирганлиги, сўнгра у А.Баитов билан гаплашиб, унга ҳужжатларни Ш.Рамозоновга бериб юборишини айтганлиги, шундан сўнг Ш.Рамозонов А.Баитовдан ҳужжатларни олиб кетганлиги, аммо у уйини ҳужжатларини тайёрлаб бермаганлиги, орадан бир қанча вақт ўтиб у Ш.Рамозонов билан учрашганлиги ва унга берган 2.000.000 сўм пулларини қайтариб беришини айтганида, у унга эртаиндин қайтариб беришини айтиб, уни алдаб юрганлиги, 2021 йил 15 август куни соат 18:30 ларда Ш.Рамозоновни уйига бориб, уйини ҳужжатлари нима бўлганлигини ундан сўраганида Ш.Рамозонов уйдан унга Пахтачи туман ҳокимининг 2020 йил 05 июль кунги №2421-сонли қарорини олиб чиқиб, унга ушбу қарор “Сизга ер ажратилганлиги тўғрисида, қарорни ҳоким чиқарган, буни олиб қўйинг, қолган ҳужжатларни кейинчалик тайёрлаб бераман, бу қарор асосий нарса” деб, қарорни унга бериб юборганлиги, орадан бир қанча вақт ўтса ҳам Ш.Рамозонов унга уйини қолган ҳужжатларини тайёрлаб бермаганлиги, сўнгра у унга берган қарорни текширтирганида, қарор сохталигини билганлиги, Ш.Рамозоновдан 2.000.000 сўм ундиришни сўрашлиги ҳақидаги;

- жабрланувчи Рахманова Угил Иштухтаровнанинг суд мажлисидаги, у 2019 йил 9 апрель куни хонадонини кадастр қилдирмоқчи бўлганлиги, шундан сўнг ўша куни маҳалласига бориб маҳаллаларида ишловчи Санобарга уйини ҳужжатларини тайёрламоқчилигини айтиб, бу масала бўйича кимга учрашиш кераклигини сўраганида, Санобар унга Рамозонов Шоҳзод деган шахс Пахтачи туман кадастр бўлимида ишлашлигини, у маҳалласидаги одамларга ер ҳужжатларини тайёрлаб бераётганлигини ҳамда унга учрашиши кераклигини айтганлиги, шунда у Санобардан Шаҳзодни ҳозирги вақтда ёдида бўлмаган телефон рақамини олиб ўзининг телефонида унга қўнғироқ қилиб, уйини кадастр қилдирмоқчилигини айтганлиги, у эса кадастр ходими эканлигини ҳамда уйини ҳужжатларини тайёрлаб беришлигини унга айтиб уни уйини манзилини сўраганлиги, у унга уйини манзилини тушунтирганлиги, 2019 йил 10 апрель куни соат 15:00 ларда уйда ўтирган вақтида уни ташқаридан кимдир чақирганлиги, у ташқарига чиққанида бир йигит ўтирганлиги, ундан кимлигини сўраганида у унга Пахтачи туман кадастр ходими Шоҳзод эканлигини айтганлиги ва у уни уйига таклиф қилганлиги, Шоҳзод ҳовлисига кирганидан унга ҳовлисини кадастр қилдирмоқчилигини айтганлиги, у эса унга ҳужжатларни тайёрлаб беришлигини билдириб, уйини майдонини ўлчаб чиққанлиги, сўнг унга ҳужжатларни тайёрлаш учун давлатга тўловлари борлигини айтганлиги, у эса унинг сўзларига ишониб тўлов қилишга рози бўлиб унга давлатга



қанча тўлов қилишлигини айтганида, Шоҳзод унга бошига 400.000 сўм тўлов қилиши кераклигини айтганида, у унга уйдан 400.000 сўм пулларни чиқариб берганлиги, Шоҳзод ундан пулларни олиб уйдан кетганлиги, орадан тахминан 10 кунлар ўтганидан сўнг яъни 2019 йил 20 апрель куни соат 11:00 ларда Шоҳзод унга қўнғироқ қилиб, “опа мен Самарқандга кетаяпман у ердан ҳам ҳужжатларни тайёрлаш керак, унинг ҳам тўловлари бор” деб гапирганлиги, унга “қанча тўлови бор” деганида, Шоҳзод унга “600.000 сўм пул олиб чиқинг” деб кўчаларида яъни Янгиобод кўчасида юрганлигини айтганлиги, у эса уйдан 600.000 сўм пулларни олиб соат 11:30 ларда кўчаларида Шоҳруҳ билан учрашиб унга пулларни бериб юборганлиги, шундан сўнг 2019 йил 23 апрель куни Шоҳзод унга яна қўнғироқ қилиб Боғолон МФЙ биносини олдида ўтирганлигини, унга 500.000 сўм пул олиб боришлигини, пулларни ҳужжатларга тўлов қилиши учун ишлатишлигини айтганлиги, сўнгра уни уйдан пул олиб соат 15:30 ларда маҳалласини биносини олдида борганида Шоҳзод уни ўша ерда кутиб турганлигини кўрганлиги ва унга ўзи билан олиб келган 500.000 сўм пулларни бериб юборганлиги, тахминан 2019 йил 06 май куни Шоҳзод унга қўнғироқ қилиб яна Самарқанд шаҳрига кетаётганлигини, унга ҳужжатлар учун тўловлар кераклигини, бунга 500.000 сўм пул кераклигини айтганлиги, у ундан ҳужжатлари қачон тайёр бўлишлигини сўраганида, Шоҳзод уйини ҳужжатлари тайёр бўлишига оз қолганлигини айтганлиги, у унинг сўзларига яна ишонганлиги ва у унга пулларни кўчаларига олиб чиқишини айтганлиги, у соат 14:00 ларда кўчаларига чиқиш Шоҳзод билан учрашиб, унга 500.000 сўм пулларини бериб юборганлиги, 2019 йил 18 май куни уйда ўтирганида соат 16:00 ларда Шоҳзод унинг уйига келганлиги ва унга хола “уйингизни ҳужжатларини 2 кун ичида тайёрлаб келиб бераман, бунинг учун яна 500.000 сўм тўлови қолди, шу пулни тўланг, бу тўлов охиргиси, шундан сўнг ҳужжатларингиз тайёр бўлади” деб гапирганлиги, шундан сўнг у унинг бу сўзларига ҳам ишониб, унга уйдан 500.000 сўм пулларни чиқариб “бу охирги тўловим, бошқа пулим қолмади, уйимни ҳужжатларни тезлаштириб тайёрлаб бергин” деб, унга 500.00 сўм пулларни бериб юборганлиги, орадан анча вақт ўтган бўлса-да Шоҳзод унинг уйи ҳужжатларини тайёрлаб бермасдан юрганлиги, шунда у уни алдаб пулларини олиб кетганлигини тушунганлиги ва қизи Шаҳноза Шоҳзоднинг устидан туман ИИБга ариза билан мурожаат қилганлиги, ундан сўнг Шоҳзод унга пулларини бир қисмини қайтариб олиб бориб берганлиги, уларни ўрталарида 900.000 сўм пул қолганлиги, у бу пулларини ҳозирга қадар унга қайтариб бермаганлиги, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўрашлиги ҳақидаги;

- Судда дастлабки терговда берган кўрсатувлари ўқиб-эшиттирилган гувоҳлар С.Гадаев ва С.Явқачевнинг кўрсатувлари, иш ҳужжатларидаги аризалар, кўздан кечириш баённомалари, тушунтириш хатлари, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят иши



хужжатларида мавжуд бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан Ш.Рамозоновнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган, бироқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” банди билан нотўғри ва 228-моддаси 3-қисми билан ортиқча квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қарорининг 21-бандида “хизмат мавқеидан фойдаланиб фирибгарлик содир этганлик (ЖК 168-моддаси учинчи қисми “в” банди) учун жавобгарлик мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фақат алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш учун фойдаланиб, ўзганинг мулкани ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш мақсадида ўз хизмат ваколатлари доирасига кирмайдиган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга оширган ҳоллардагина вужудга келади” деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-бўлимида “мансабдор шахс – доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимят вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъий назар, корхоналарда муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, ҳудди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс” деб кўрсатилган.

Аниқланишича, судланувчи Ш.Рамозонов мансабдор шахс ҳисобланмайди, унинг ваколатларига юқорида кўрсатилган вазифалар юклатилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида хужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. ЖКнинг 228-моддаси 1-қисмида эса, сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида қалбаки хужжатларни тайёрлаганлик учун жавобгарлик белгиланган. Иш ҳолатидан кўринишича, судланувчи Ш.Рамозонов ўзи сохталаштирган хужжатларни жабрланувчи келгусида фойдаланишлари мақсадида тайёрлаб уларга тақдим этган бўлиб, унинг ҳаракати ЖКнинг 228-моддаси 1-қисмидаги диспозиция мазмунига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 май кунги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорини 5-бандида “Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга



асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак” деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида “Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандида, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса айбсиз деб топилиши кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра, суд судланувчи Ш.Рамозоновни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан оқлашликни лозим топди.

Суд, судланувчи Рамозонов Шоҳзод Асроровичнинг жиноятларни содир этишидаги ҳолатларни муҳокама қилиб, унинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, зарарни қоплаганлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, айбини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Рамозоновга нисбатан жазо тайинлашда жазо турини ва миқдорини белгилашда, унга жазо тайинлашда, у томонидан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этиш билан бир қаторда, унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган қопланмаганлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан етказилган зарарни миқдорини, муқаддам судланмаганлиги ҳамда одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилган ҳолда ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам миқдоридан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддаларини ахлоқ тузатиш ишлари жазосини уч кунини озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштириб, қсиман кўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ўзгартириб суд залидан қамоққа олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83, 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд;

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Рамозонов Шоҳзод Асрорович (Amazonov Shohzod Asrorovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан оқлансин.



Судланувчи Рамонов Шохзод Асрорович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Судланувчи Рамонов Шохзод Асроровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан 1 (бир) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Рамонов Шохзод Асроровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми “а” банди билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланувчи Рамонов Шохзод Асроровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59, 61-моддаларига асосан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини уч кунини озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштириб, қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 1 (бир) йил 2 (икки) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлиги белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 8 июлдан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Рамонов Шохзод Асроровичга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ўзгартирилиб суд залидан қамоққа олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали Самарканд вилоят судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Ш.Шарипов.

